Ушбу сонда:
2 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ: У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ? Тавсия
3 4 БУЮК МУТАФАККИРНИНГ МАЪНАВИЙ, ҲУҚУҚИЙ МЕРОСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 феврал, жума №19 (851)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХАЙР-САХОВАТ ОЙЛИГИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг қарорига биноан жорий йил феврали вилоятда хайр-саховат ойлиги деб эълон қилинди. Бундан мақсад жисмоний ва маънавий баркамол авлодни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада кучайтириш, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими олиб бораётган тадбирларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ойлик давомида турли корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари хайрия тадбирлари ўтказади, тўпланган маблағ эҳтиёжманд оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, бемор ва ногиронларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

2000 йил 3 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда ҳарбий қурилиш, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, давлат мудофаасининг сифат жиҳатидан янги тизимини шакллантириш билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Мажлисда алоҳида геополитик ўрин эгаллаб турган Марказий Осиё минтақаси ҳозирги пайтда халқаро террорчилик, диний экстремизм ва ақидапарастликни ёйишга, минтақадаги мамлакатларни ўзлари танлаган демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган экстремистик кучлар ва диверсион-қўпорувчи марказларнинг ўта манфаатдор объектига айланаётгани қайд этилди. Наркобизнес ва ғайриқонуний қурол-аслаҳа савдоси кўламининг кенгаяётгани хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда. Бундай шароитда давлатнинг энг муҳим вазифаси Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қўшинларнинг тезкор, замонавий қурол-аслаҳага эга, профессионал жиҳатдан яхши тайёрланган бирлашма ва қисмларини ташкил этиш, мамлакатнинг ягона ҳимоя ва мудофаа тизимини, барча қўшин турлари ва ҳарбий бўлинмалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги концепциясининг принципиал ўринларига, мамлакат ва минтақанинг хавфсизлиги, тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган кучларни чуқур ўрганишга асосланган ҳолда Мудофаа доктринаси ҳарбий қурилиш, ишончли мудофаани, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлашга доир асосий тамойилларни белгилаб беради.

Ишлаб чиқилган доктрина мутлақо мудофаавий хусусиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг тинчликпарвар сиёсати ифодасидир. Мажлисда умумий хавфсизлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Доктринада вазирлик ва идораларнинг, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва муассасаларнинг мамлакат мудофаа салоҳиятини таъминлаш борасидаги ўрни ва масъулияти белгилаб берилган. Доктрина қоидаларини амалга ошириш Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас бурчдир.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ҚАРОРИ

ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузасини эшитиб ва муҳокама қилиб, Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, жамиятимизни, айниқса, иқтисодий соҳани ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- бизнинг олға ҳаракат қилишимизнинг асоси ва кафолати, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал этишнинг бош шарти - эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдир;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига кенг интеграциялашуви, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, банк ва молия соҳасида, реал иқтисодиётда, биринчи галда, етакчи тармоқларда чет эл капитали иштирокини кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш.

Қуйидагилар эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари деб ҳисобласин:

биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, давлатнинг назорат қилиш ва бошқариш функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, хусусий тадбиркорликка, бозор ва иқтисодиётнинг бозор муносабатлари асосида ишлайдиган механизмларига янада кўпроқ эркинлик бериш;

иккинчидан, кичик ва ўрта бизнес жадал ривожланиши учун ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитлар, ҳуқуқий замин яратиш, унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги, аҳоли даромадларини шакллантириш, бандлик муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хомашё, айниқса, кредит ресурсларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан, ўз маҳсулотини сотиш бозорларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, янги иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдамни кучайтириш, уларга микрокредитлар ажратишнинг яхлит тизимини яратиш.

учинчидан, энг аввало, қишлоқда хусусий мулкчилик шаклларини ўзгартиришга, деҳқонлар тафаккурида эгалик ҳиссини тарбиялашга қаратилган қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга бўлган ижара мулкчилиги муносабатларини жойларда жорий этиш, шартнома муносабатларининг аниқ ва тушунарли механизмини амалда шакллантириш, шартнома мажбуриятларининг қатъий бажарилиши учун назорат ва масъулиятни кучайтириш;

тўртинчидан, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, банкларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлар ҳамда кредит бериш имкониятларини, ўз капиталини кўпайтириш, уларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш;

бешинчидан, бозор инфратузилмаси ва унинг бизнесга хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча институтларини устувор тарзда ривожлантириш;

олтинчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш, замонавий илғор технологияларни жорий этиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мукаммал технологик жараёнларни устувор ривожлантириш;

еттинчидан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни, биринчи галда, валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютани жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган батафсил нутқи ва Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузасида баён этилган асосий вазифа ва йўналишларни ўз амалий фаолиятлари учун дастуриламал деб белгиласинлар.

3. Келишилган яқин вақт ичида Кенгашда муҳокама қилинган масалалар бўйича Республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш зарур деб ҳисобласин.

4. Республика вилоятларида келишилган жадвал бўйича муайян ҳудуд учун долзарб бўлган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган аниқ мавзулар асосида семинарлар ўтказилсин.

Ҳудудий семинарларда мавжуд вазиятга танқидий баҳо берган ҳолда қуйидаги масалалар бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилсин:

- кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

- объектларни хусусийлаштириш, корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантириш ва мулкдорлар синфини шакллантириш;

- чет эл инвестицияларини жалб қилиш, хорижий сармоядорлар иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилиш;

- жойларда ижара муносабатларига ўтиш, шартнома мажбуриятларини бажариш борасидаги жавобгарликни ошириш.

5. Қуйидагилар мазкур Республика конференцияси ва ҳудудий семинарларнинг асосий вазифаси ва пировард мақсади деб ҳисобласин:

биринчи - амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни тўлдириш ва ўзгартиришга оид керакли таклифлар киритиш;

иккинчи - тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг корхоналар хўжалик фаолиятига ва биринчи навбатда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш мақсадида хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

6. Республика илмий-амалий конференцияси ва вилоятлардаги семинарларни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги шахсий жавобгарлик Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш раисининг ўринбосари (Бош вазир Ў.Т.Султонов), Кенгашнинг доимий ишловчи комиссиялари раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича маслаҳатчисининг хизмати зиммасига юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий- иқтисодий сиёсат масалалари бўйича маслаҳатчиси хизматига (В.А.Голишев) Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг доимий ишловчи комиссиялари билан ҳамкорликда Республика илмий-амалий конференцияси, ҳудудий семинарларда, шунингдек, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар томонидан билдирилган эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича таклифларни умумлаштирсин, улардан ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари лойиҳаларини, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишда фойдалансин.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати:

иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқсин. Бунда устувор йўналишларни аниқлаш, самарали механизм, кучли рағбатлантирувчи ва кафолатловчи тизимни яратиш, уларни амалга ошириш жадвалини тасдиқласин;

эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган ҳуқуқий замин яратиш мақсадида, 2000 йилда биринчи навбатда қабул қилиниши зарур бўлган қонунлар тўғрисидаги таклифни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этсин.

9. Ўзтелерадио, ЎзА, оммавий ахборот воситалари:

ишлаб чиқилган устувор йўналишларга мувофиқ тарзда иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларини кенг ёритсин;

олға силжишимизга халақит бераётган, ислоҳотлар йўлидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг сабабларини атрофлича таҳлил этсин, давлат ва назорат идоралари томонидан йўл қўйилаётган тадбиркорлар фаолиятига субъектив қараш, асоссиз аралашиш ҳоллари дадил танқид қилинсин;

иқтисодий фаолиятда, ислоҳотлар йўлини амалга оширишда муваффақиятларга эришаётган тадбиркорлар, қўшма корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда ҳудудлар тажрибаси кенг тарғиб қилинсин ва тушунтирилсин.

Кенгаш Раиси,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 1 феврал

Касаба уюшма ҳимояга олгач

Баҳодиржон Мусаевни ҳамкасблари ишонч билан Наманган вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бирлашган касаба уюшмаси етакчилигига сайлаб адашмадилар. Унинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва талабчанлиги туфайли вилоятдаги соҳа корхоналарида меҳнаткашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш ишлари жонланди. Меҳнат низосига оид вилоят нефть маҳсулотлари корхонасининг раҳбариятига келиб тушган ҳар бир мурожаат, ариза қонуний ва адолатли ҳал этила бошланди.

МАШИНИСТ ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

Ўтган йилнинг бошида, аниқроғи 23 февралда «Ўзнефтмаҳсулот» акционерлик компанияси томонидан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида ходимлар сонини қисқартириш тўғрисида топшириқ берилди. Бу топшириққа биноан шу компанияга қарашли нефть базаси машинисти Абдужаббор Холматов иш ўрни ҳам қисқартирилди.Қонун эса иш ўринларини қисқартириш вақтида ходимнинг малакаси, меҳнат унумдорлиги, оилавий аҳволи, корхонадаги мавқеи каби муҳим жиҳатларни ҳисобга олишни талаб этади. Шунингдек, бўшатилаётган ходимга корхонадаги бўш иш ўрнига ўтиб ишлашни таклиф этиш ҳам қонунда кўрсатилган. Нефть маҳсулотлари корхонасида эса Абдужаббор Холматовнинг юқори разрядга эга эканлиги, қарамоғида 4 нафар фарзанди борлиги, 22 йиллик иш стажини эътиборга олиш нари турсин, ҳатто корхонада унга мос бўлган иш ўринларини ҳам таклиф этишмади.

Корхона бошланғич касаба уюшмаси Абдужаббор Холматов ва яна бошқа 6 нафар ходимнинг ишдан бўшатилиши қонунийлиги ва адолатлилигини ўрганиш ўрнига, ўзларининг иштирокисиз уларни ишдан бўшатишга розилик бериш тўғрисида қарор чиқариб берди.

Баҳодиржон Мусаев, бош муҳандис А.Эргашев, ҳуқуқшунос А.Мамажоновлар бу борада назорат ўтказдилар. Аризани текшириш якунига кўра, А.Холматовнинг ишдан бўшатилиши ғайриқонуний деб топилиб, уни ўз иш жойига тиклашга қарор қилинди. Мажбурий бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи ундириб бериладиган бўлди.

— Яхшиямки, Баҳодиржон Мусаевдек ўз ишига фидойи ходимлар ва уларни ўз сафига бирлаштирган касаба уюшма қўмитаси бор экан, — деб ёзади Абдужаббор Холматов. — Менга нисбатан қилинган адолатсизликнинг олди олинди. Айни пайтда 22 йиллик қадрдон жамоамда меҳнат қилмоқдаман. Бунинг учун касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ғофуржон КАРИМОВ,
Наманган вилояти
касаба уюшмалари
Кенгашининг бош
нозири.

Қўли гул уста Комил Мансуров номи кўпчиликка яхши таниш. У ёшларга халқ ҳунармандчилиги сирларини меҳр билан ўргатиб келмоқда. Устанинг шогирдлари томонидан тайёрланаётган ажойиб жиҳозлар ўзининг бежиримлиги, нақшлари билан таҳсинга сазовордир.

Суратда: Тошкентдаги 63-ўрта мактаб ўқувчилари ўз устозлари ёрдамида тайёрлаган кўркам ишларини намойиш қилишмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ
олган сурат.

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Жиззах вилояти ҳокимлигида вилоятда эл-юрт осойишталиги ва тинчлигини янада мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашни кучайтириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари тарқалишининг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарган ушбу йиғилишда бу борада муайян ишлар амалга оширилганига қарамай, жойларда дунёқараши ҳали тўла шаклланмаган ёшларнинг экстремизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи айрим оқимлар таъсирига тушиб қолаётгани таъкидланди. Бу эса ҳушёрликни оширишни, ҳуқуқ-тартибот идораларининг турли жамоат ташкилотлари, барча фуқаролар билан баҳамжиҳат иш олиб боришини тақозо этади.

Йиғилишда маҳалла ва ўқув масканларида тушунтириш ишлари кўламини кенгайтириш, экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз кураш олиб бориш чора-тадбирлари белгиланди.

Йўлчи Жўра,
ЎзА мухбири

Ҳадисларда ва ҳатто «Кобуснома» китобида пок-домон юриш, саломатлик ҳақида алоҳида қайғуриш лозимлиги уқтирилган. Мақсадга эришишда ҳаммомлар алоҳида ўрин тутади. Айниқса, ҳозирги қиш кезларида уларга эҳтиёж янада ортган.

Таъкидлаш жоиз, мустақиллик шарофати туфайли Қашқадарё вилояти қишлоқларини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Аммо муаммолар, ечимини кутаётган масалалар ҳали етарли. Улардан бири биз мушоҳада юритаётган, катта маблағ эвазига бунёд этилган кўпгина ҳаммомларнинг ишламаётганидир. Бу ҳақли равишда одамлар эътирозига сабабчи бўлмоқда.

«Ишонч» бонг уради

ҲАММОМ ҚИДИРИБ ҚАРШИГА

Касби туманида 130 минг аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда саноқлигина ҳаммом мавжуд бўлса-да, уларнинг аксарияти эшигига қулф осилган. Бунинг сабабини аниқлаш мақсадида маданий-маиший хизмат нуқталарини айландик. Туман марказида иккита оддий, битта фин ҳаммоми мавжуд. Амир Темур кўчасида жойлашгани 1972 йилда қурилганди. У муайян вақт яхши ишлади. Бироқ 1994 йилда саломатлик маскани фуқаро Б.Ражабовга хусусийлаштириб берилди-ю, путурдан кетди. Вақт ўтиши билан бинонинг оҳори тўкилиб, кўзга хира ташланиб қолди.

Туман марказида аҳвол шундай экан, қишлоқларда не гап? Масалага ойдинлик киритиш ниятида энди гавжум қишлоқларда бўлиб, одамлар билан фикрлашдик. Таъкидлашларича, Майманоқ қишлоғида 17 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Кўпчилик Мустафо Маматов мудир бўлган ҳаммом шанба, якшанба кунлари мижозларга намунали хизмат кўрсатаётганини таъкидлади. Ходимлар муомаласи, озодаликка алоҳида эътибор берилаётганлиги, маиший хизматнинг бошқа турлари ҳам мавжудлиги эътиборга молик. С.Насафий номли кооператив-ширкат хўжалиги ёқилғи ва бошқа зарур жиҳозларни вақтида ажратмоқда.

Бироқ афсуски, бу муҳим ишга баъзи хўжаликларда панжа остидан қараляпти. «Комилон» хўжалигида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Яхшигина ҳаммом қаровсиз ҳолатда ташлаб қўйилган. Қизиғи шундаки, ўтган йил пахта йиғим-терими мавсумида одамлар ундан оз бўлсада, фойдаланишибди. Лекин негадир қиш бошланиши билан унинг эшигига қулф урилди. Ҳаммом мудири М.Жигаевдан бунинг сабабини сўрасангиз, турли баҳоналарни рўкач қилади. Наҳотки, биргина ҳаммомни ишлатиш шунчалар қийин бўлса? Гап шундаки, саломатлик учун бағоят муҳим бўлган бу ишга мутасаддди раҳбарлар панжа орасидан қараб келмоқдалар. Оқибатда қишлоқ кишилари ҳаммом излаб, Қарши шаҳрига ёки қўшни туманларга боришга мажбур бўлишмоқда.

— Неча бор бу ҳақда хўжалик раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддиларига арз-дод қилдик, - дейди отахонлардан бири. - Бироқ лаг зарур. Эътироз кучайганидан сўнг саломатлик масканини амал-тақал қилиб ҳафтасига бир марта ишлатишга уринишмоқда. Лекин бу ерга бир марта келган киши қайтиб қадам босмайди...

«Қашқадарё» хўжалигида ҳам ҳаммом муаммога айланган. Хўжаликда истиқомат қилаётган 13 мингдан ортиқ аҳоли дам олиш кунлари бола-чақани ёнларига олиб, покланиш учун Бешкент, У.Юсупов туманларига қатнашга мажбур бўлишмоқда. Денов қишлоқ фуқаролар йиғини биноси ёнгинасида жойлашган ҳаммомнинг ҳаробага айланганлиги айниқса таажжубли. Хўжаликда ҳамма орзу қилган ҳаммом қурилиши бошланганида барча қувонганди. Бироқ хайрли иш тез орада ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Яна эски гап, эски баҳона: маблағ йўқ... Гапнинг очиғи, энди бу каби важ-карсонлар одамларга сингмаяпти. Ахир, битта ҳаммомни ҳашар йўли билан ҳам бемалол қуриш мумкин-ку. Бешкентдаги 241-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари 1992 йилдан буён саломатлик маскани қурилишини пайсалга солиб келишмоқда. Қор-ёмғирлар остида қад ростлаган бино емирилиб, маблағлар совурилмоқда. Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён? Туя гўшти еган ҳаммом қачон битади? Бу савол шу кунгача жавобсиз қолмоқда.

«Пахтакор» хўжалигида ҳам аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас. Файзи қишлоғидаги ҳаммом ишламай, меҳнатчиларни хуноб қилмоқда. Мутасаддилар: яқинда ҳаммомни хусусийлаштирамиз. Шундан сўнг эътирозларга чек қўйилади, дейишмоқда. Бу гап чиққанига ҳам анча вақт бўлди. Ҳар ҳолда бу йил ҳам «Пахтакор» хўжалиги кишилари вилоят марказига қатнайдиган кўринишади.

2000 йил — Соғлом авлод йили. Шу боис, жойларда кўпгина хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ бизнинг Касби туманида эса саломатлик учун бағоят зарур бўлган масканлар, хусусан, ҳаммомларга эътибор бўлмаяпти. Шу ўринда ҳақли савол: катта имкониятлар бўла туриб, қишлоқларда яшаётган кишилар ҳаммом излаб, Қаршига йўл олаётганликлари уят эмасми?

Жўра ЮСУПОВ,
Муҳиддин ЖЎРАЕВ,
Аҳмад МИРАҚОВ.

2000 ЙИЛ УЧУН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ

Тавсия

1

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Ходимлар ҳуқуқ кафолатларининг қонунчиликда белгиланганидан юқори даражасини ўрнатиш, меҳнат муносабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот, муассасаларнинг ўзларида жамоа шартномалари орқали ҳал этилиб, асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Меҳнат жамоаси мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади, касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Музокаралар олиб боришдан мақсад, бир томондан, корхонанинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган қарорларни ишлаб чиқиш бўлса, иккинчи томондан, ходимларнинг турмуш даражасини ошириш, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат қилиш учун соғлом ва хавф-хатарсиз шароитни яратиш билан қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Музокаралар томонларнинг ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ҳақиқий молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш, томонларнинг олган мажбуриятларини бажариш учун масъулияти асосида олиб борилади.

Музокаралар давомида ўзаро ва алоҳида мажбуриятлар, жамоа шартномаларини тузиш ва уларни бажариш йўллари, келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби муҳокама қилинади.

Жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар икки томоннинг келишуви асосида олиб борилади, иш берувчи томонидан музокарада раҳбар ёки унинг ваколатли ходими, касаба уюшмаси томонидан - касаба уюшма қўмитасининг раиси қатнашади.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг баробар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Вакиллар сони камида уч баённомаларини таҳлил қилиб чиқишлари керак, бу - музокара жараёнида жамоа фикрига таяниш имконини беради.

Айни пайтда корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолияти натижалари таҳлил қилиб чиқилиши лозим бўлади.

Касаба уюшма қўмитасининг асосий мақсади - ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясининг имкон доирасидаги энг юқори даражасини таъминлайдиган таклифлар ҳамда мажбуриятларни жамоа шартномасига киритилишига эришишдир.

Иш берувчининг мақсади - ишлаб чиқариш сарф-харажатларини, шу жумладан ишчи кучига сарфланадиган харажатларни қисқартириш эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг юқори рақобатбардошлигини таъминлаш, ва пировард натижада кўпроқ фойда олишдир.

2

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашганда ходимлар даромадининг юқори даражасини сақлаб қолиш - мантиққа зид бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиши ҳатто банкрот бўлишига олиб келадиган йўлдир. Мулкдор ҳам, ходимлар ҳам бундан манфаатдор эмаслар.

Айни пайтда иш ҳақининг ҳаддан ташқари паст даражаси меҳнат сифатига путур етказади ва ижтимоий тангликка олиб келади.

Бундан келиб чиқадики, жамоа шартномаси - фақатгина ишчилар хоҳиши ва иш берувчининг имконияти ўртасидаги мувозанатни белгиловчи ҳужжат эмас. Музокараларга тўғри ёндошилган тақдирда бу ҳужжат - иш берувчининг ҳам, ходимларнинг ҳам юқори даромад олишларига кўмаклашувчи ҳужжат бўлиши мумкин.

Баъзи давлатларда бундай амалиёт муваффақиятли қўлланмоқда.

Чунончи, АҚШда 80-йиллардан бери, иш ҳақининг маълум қисмини фирманинг рентабеллик даражаси билан боғлаш шарти қўйилган битим ва жамоа шартномаларининг сони кўпайди. Уларда америкалик иқтисодчи проф.М.Вейцман таклиф этган «ходимнинг фойдада пайчилик асосида иштирок этиши таъминланган иш ҳақи тизими» қўлланилади.

Японияда бундай ёндошув бундан ҳам аввал жорий этилган бўлиб «меҳнат маслаҳатлари тизими», деб номланган ва «меҳнат унумдорлиги учун ҳаракатнинг 3 тамойили»ни ўз ичига олади, яъни:

1. Бандликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш;
2. Ишчилар билан маъмуриятнинг меҳнат соҳасида бамаслаҳатлиги ва ҳамкорлиги;
3. Маъмурият, ишчилар ва истеъмолчилар ўртасида меҳнат натижаларини адолатли расамад қилиш.

Бошқача айтганда, юқори даромад, ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларни ишчилар ҳам, маъмурият ҳам «ишлаб топишлари» лозим.

«Меҳнат маслаҳатлари тизими»нинг баъзи жиҳатларини қўллаган ҳолда жамоавий музокараларни йўлга қўйиш ва жамоа шартномаси мазмунига бу тарздаги «мажмуавий» ёндошувни жорий этиш учун корхона фаолиятининг пировард натижаларига эришишдан меҳнат жамоасининг ҳиссасини холис баҳолаш имконини берувчи мезонни танлаб олиш керак бўлади. Бундай мезон сифатида турли кўрсаткичлар, масалан, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг ошиши, ялпи ёки соф фойданинг кўпайиши, рентабеллик ёки ишлаб чиқариш унумдорлигининг юксалиши, ашёларни тежаш, маҳсулот сифатига рекламациялар йўқлиги, товар айланмасининг ўсиши ва бошқа кўрсаткичлар қабул қилиниши мумкин.

Айни пайтда, ушбу кўрсаткичларнинг биронтаси ҳам барча ҳолларга мос келадиган умумий кўрсаткич бўлиб хизмат қила олмайди ва меҳнат жамоаси ҳиссасидан ташқари бошқа омилларга ҳам боғлиқдир. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги нафақат ходимларга, балки корхонани хом ашё ва бошқа ашёлар билан ўз вақтида таъминланиб туришига ҳам боғлиқ. Ходимларнинг меҳнат ҳиссасидан қатъий назар, маҳсулотнинг харидоргир эмаслиги, бошқарувдаги хатолар, талаб ва таклиф ўзгариши, кутилмаган ҳодисалар ва бошқа сабабларга кўра соф фойда камайиши мумкин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сермеҳнат жараёнларга асосланган бўлса, ашёлар тежалишининг пировард натижага сезиларли таъсири бўлмайди.

Демак, «меҳнат жамоасининг ҳиссаси» мезони ҳар

3

бир хўжалик юритувчи субъектнинг муайян хусусиятлари ва фаолият турига боғлиқ бўлиб, ўзаро маслаҳатлашув жараёнида танланиши лозим. Баъзида ушбу мезон сифатида, ҳисобга олинадиган даврда «меҳнат интизоми бузилишлари сони» ҳам хизмат қилиши мумкин.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш таннархига кирувчи иш ҳақининг тариф қисми ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ тўловларга нисбатан «меҳнат маслаҳатлари тизими» тадбиқ этилмаслигини касаба уюшма қўмитаси талаб қилмоғи лозим. Бундан ташқари, ижтимоий кафолатларнинг маълум қисми (масалан, дафн маросими учун моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар) пировард натижалардан қатъий назар белгиланиши керак.

Мазкур тавсиялар иловасида «меҳнат жамоаси ҳиссаси» билан боғлаш мақсадга мувофиқ бўлган ижтимоий имтиёз ва кафолатларнинг тавсиявий рўйхати келтирилган.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун маблағни шакллантиришда қуйидаги харажатлар ўртасида оқилона мутаносибликни таъминлаш муҳимдир:

* ходимларнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ тўловлар (иш ҳақини кўтариш);
* ходимларнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ бўлмаган сарф-харажатлар (ижтимоий имтиёз ва кафолатлар);
* ходимларнинг ишлаш қобилияти ва меҳнат сифатини сақлаб қолиш билан боғлиқ сарф-харажатлар (меҳнат муҳофазаси);
* ходимларнинг ишлаш қобилияти ва меҳнат сифатини юксалтириш билан боғлиқ сарф-харажатлар (инсоний капиталга сармоялар).

Инсоний капиталга сармоялар - соғлиқни сақлашга (шу қаторда соғломлаштиришга ҳам), таълимга ва ишчи кучининг тезкорлигини таъминлашга йўналтириладиган сарф-харажатлардан ташкил топади.

Мазкур масалалар бўйича музокаралар кейинчалик комиссиянинг мунтазам олиб бориладиган мажлисларида давом эттирилиб, уларда долзарб масалалар мажмуи муҳокама этилади. Бу масалалар - таклиф, талаб, ўзаро мажбуриятлар шаклида, эҳтимол жамоа шартномасининг муқобил варианти шаклида ҳам расмийлаштирилиши лозим.

Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан икки томон бир фикрга келганидан кейин комиссия жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади.

Жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси умумий мажлисда маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Жамоа шартномасида қуйидаги бўлимларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

I. Умумий қоидалар

1.1. Жамоа шартномаси томонлари.

1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси, меъёрий ҳужжат сифатидаги мақоми.

1.4. Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

4

1.5. Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6. Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7. Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

II. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлиги негизи эканлигининг эътироф этилиши.

2.2. Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3. Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ___ % миқдорида пул ўтказиб бориш

2.5. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

5

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

III. Ишлаб чиқариш - иқтисодий фаолият

3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми.

3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари.

3.3. Хом ашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш.

3.4. Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари.

3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари.

3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари.

IV. Мулк шаклларининг ўзгариши (хусусийлаштириш)

4.1. Касаба уюшма қўмитаси вакилини ҳал қилувчи овоз билан хусусийлаштириш бўйича комиссия таркибига киритиш.

4.2. Хусусийлаштиришнинг асосий шакллари ва уни ўтказиш муддатлари, масъул мансабдор шахслар.

4.3. Корхона тасарруфидаги мол-мулкни касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз сотилиши, бошқаларга ўтказилиши, ижарага берилишига йўл қўймаслик.

4.4. Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш.

4.5. Хусусийлаштириш ва корхона мулкини баҳолаш бўйича комиссия таркибида касаба уюшма қўмитаси вакилининг иштирок этиши.

4.6. Акцияларни тайёрлаш ва тақсимлаш тартиби.

4.7. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларининг фаолият кўрсатиш тартиби.

4.8. Хусусийлаштириш жараёнида ходимларнинг айрим гуруҳларига имтиёзлар бериш.

4.9. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари.

V. Меҳнатга ҳақ тўлаш

5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва ҳажми.

5.2. Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақи етказиладиган даражаси.

5.3. Иш ҳақини тўлаш муддатлари. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар.

5.4. Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом.

5.5. Иш вақтининг янги нормаларини жорий этиш тартиби.

5.6. Ишлаб чиқариш нормаси камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати.

5.7. Ходимлар тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсациялар

6

нинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;
- кечки, тунги сменалардаги, ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;
- ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;
- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;
- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;
- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек, бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;
- қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;
- иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;
- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори

5.8. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

VI. Меҳнат шартномаси. Бандлик кафолатлари

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш.

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

6.3. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш. Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш заруриятн деб ҳисобланадиган ҳолатлар мезонлари.

6.4. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.5. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.

6.6. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларнинг сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажарила-

У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

7

диган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) меҳнатга жойлаштириш ва касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари

6.7. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар тоифаларининг рўйхати.

VII. Иш вақти ва дам олиш вақти

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

- нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун, (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)
- I ва II-гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)

- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги

7.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар

7.5. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати

7.6. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шар-

8

тлари

7.7. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари

7.8. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи

7.9. Йиллик таътиллар учун ҳақ тўлаш муддатлари

7.10. Болалик аёл ходимлар учун:

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;
- икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби

7.11. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари

7.12. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари

VIII. Меҳнат муҳофазаси

8.1. Иш жойларидаги меҳнат шароитларини, меҳнат муҳофазасини ва хавфсизлик техникаси аҳволини яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказиш учун зарур бўлган маблағ ва ашёлар ажратилишини кўзда тутиш ва уларни ишлатиш тартиби

8.2. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати, бу ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларининг нормалари, таъминот тартиби ва ва шартлари.

8.3. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш муддатлари

8.4. Асбоб-ускуналар, машина ва механизмларни хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолга келтириш

8.5. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини техник жиҳатидан қониқарли ҳолда сақлаш

8.6. Иш жойларида чангланиш, ифлосланиш, шовқин ва тебранишларнинг нормада бўлишини таъминлаш, иш жойларида об-ҳаво, намгарчилик режими ва ёруғликнинг нормал бўлишига эришиш

8.7. Оғир меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар сонини камайтириш чоралари, бундай ишларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишдан воз кечиш

8.8. Меҳнат шароитлари ва муҳофазаси қоидаларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ва аттестация қилишни ўтказиш

8.9. Куз-қиш даврида ишлашга тайёргарлик кўриш юзасидан тадбирлар бажарилишини назорат қилиш

8.10. Ходимлар айрим гуруҳларини махсус кийим-бош билан қўшимча таъминлаш шартлари

8.11. Ўз вақтида ювиш учун махсус кийим-бошни икки комплектда бериш масаласини кўриб чиқиш

8.12. Озиқ-овқат, сут, витаминли дори-дармонлар ва ҳоказоларни бепул бериш

9

8.13. Ходимларни корхона ҳисобидан бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан суғурта қилишнинг аниқ миқдорлари

8.14. бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга ва бахтсиз ҳодиса оқибатида нобуд бўлган ходим оиласига тўланадиган бир марталик ёрдам пулининг миқдорлари

IX. Меҳнат интизоми

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифалари бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш

X. Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар

10.1. Болалик аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар

2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги имтиёзларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

- болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларига йўлланмалар қийматини қисман қоплаш;
- ходимлар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формасини харид қилиш;
- ходимлар фарзандлари спорт секцияларида шуғулланишлари харажатларини қоплаш;
- болалик аёлларга қисқартирилган иш куни ёки қўшимча дам олиш куни берилишини таъминлаш;
- кўп болалик аёллар учун ижтимоий ҳимоя жамғармасини ташкил этиш;
- штатлар қисқартирилганда болалик аёлларга ишда қолдиришда афзаллик бериш;
- корхона ҳисобидан туғиш таътилларини 5 ойгача узайтириш;
- 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш;
- бошқа тадбирлар

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари, шунингдек, корхонадан пенсияга чиққанлар учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш мақсадга мувофиқдир).

XI. Маданий-оммавий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт ишлари

11.1. Ўтказиладиган тадбирлар рўйхати ва уларни молиялаштириш тартиби

XII. Меҳнат низолари

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати

10

XIII. Касаба уюшма қўмитаси ва касаба уюшма сайланма фаоллари фаолиятининг кафолатларини таъминлаш

13.1. Асосий ишдан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси (акциядор) сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши

13.2. Корхона Устави лойиҳаси хусусида касаба уюшма қўмитаси билан мажбурий равишда келишиб олиш

13.3. Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма ходимларининг касаба уюшма вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув
2. Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом
4. Корхонада қабул қилинган тарификация
5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом
6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом
9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом
10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом
11. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати
12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати
13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати
14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари
15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати
16. Ички тартиб қоидалари
17. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузган ходимлар рўйхати
18. Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати
19. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом
20. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом
21. Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси
22. Қишки-баҳорги ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузил-

11

ган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

«Жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар»га илова

Жамоа шартномасини тузиш бўйича музокаралар жараёнида меҳнат маслаҳатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлган ижтимоий имтиёз ва кафолатларни ўрнатиш учун сарф-харажатларнинг тавсиявий рўйхати (хўжалик юритувчи субъектлар - юридик шахсларнинг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар)

I. Корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларидан қатъий назар, жамоа шартномасида кўзда тутиш мақсадга мувофиқ бўлган тўловлар

1.1. Ходимларга кўрсатиладиган моддий ёрдам:

- қариндошларининг дафн маросимига
- табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисалардан зарар кўрганда.

1.2. Пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар.

II. «Меҳнат жамоасининг ҳиссаси» оширилишига боғлаш мақсадга мувофиқ бўлган харажатлар

2.1. Айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган овқатлар, маҳсулотлар қиймати, ходимларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, кўрсатилмаган коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсацияси суммаси).

2.2. Моддий ёрдам (шу жумладан кооператив уй-жой қурилишига бошланғич бадал учун, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишига берилган кредитни қисман тўлаш учун ходимларга бепул моддий ёрдам).

2.3. Жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равишда (қонунчиликда назарда тутилгандан ортиқча) берилган таътиллар, улар бўйича компенсация тўловлари.

2.4. Ходимларга бериладиган маҳсулотлар (иш-

12

лар, хизматлар) ёки хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш учун ёрдамчи хўжаликлар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутлар.

2.5. Хўжалик юритувчи субъект раҳбари қарорига кўра амалга оширилиадиган, ишлаб чиқариш ходимларининг қонунчиликда назарда тутилган нормалардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар.

2.6. Нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

2.7. Нормалардан ортиқча кадрлар тайёрлаш харажатлари.

2.8. Ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларига сарфланган харажатлардан кўрилган зарарлар.

2.9. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра бир йўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, узоқ йил ишлаганлик учун тўловлар, шу жумладан натура тўловлари, шунингдек, улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўтказилган суммалар.

2.10. Ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақига, даволаниш ва дам олишга, экскурсияларга, саёҳатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўгаракларда, клубларда машғулотларга, маданий-кўнгилочар томошаларга, жисмоний тарбия (спорт тадбирларига, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ва бошқа шу кабиларга тўловлар).

III. Юқорида келтирилган имтиёз ва кафолатларни ўрнатиш бўйича келишувга эришилмаган тақдирда қуйидаги харажатларни камайтириш ёки бекор қилиш талабини қўйиш мақсадга мувофиқ

3.1. Хизмат енгил автотранспорти ва хизмат микроавтобусини сақлашга сарфланадиган харажатлар, уларни ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

3.2. Ижара ҳамда хизмат кўрсатганлик учун уяли, йўлдош, пейжинг алоқа узелларига тўлов.

3.3. Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлар учун белгиланган нормативлардан ортиқча тўлов.

3.4. Бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар.

3.5. Қонунчиликда белгиланган норматив ва нормалардан ортиқча вакиллик харажатлари.

3.6. Умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар.

3.7. Хўжалик юритувчи субъект соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш харажатлари.

3.8. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари.

3.9. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита таалуқли бўлмаган атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ортиқча ташлаганлиги (оқизганлиги) учун йўл қўйиладиган нормалардан ортиқча тўловлар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

Алишер Навоий асарининг тарихий қиммати

БУЮК МУТАФАККИРНИНГ МАЪНАВИЙ, ҲУҚУҚИЙ МЕРОСИ

Ғарбий Эронни ўзига бўйсундириш иштиёқида юрган Султон Абу Саид Ғарибий 1469 йилда Қорабоғда ўлдирилади. Ҳусайн Бойқаро бу жуда қулай фурсатдан фойдаланиб, дарҳол Ҳирот шаҳрини эгаллайди ва Хуросон давлатини мустақил деб эълон қилади. Шу куннинг эртасигаёқ Ҳусайн дўсти Алишерни Самарқанддан Ҳиротга чақиртириб, уни катта тантаналар билан кутиб олади ва уни муҳрдор лавозимига тайинлайди. У олдиндан орзу қилиб келаётган истак ва орзуларини, яъни адолатни ўрнатишга киришади. Биринчи галда мамлакат халқларининг тинч ҳаётини бузган шаҳзодалар ва амалпарастлар ўртасида тахт учун кетаётган қон тўкишларнинг олдини олиш ва бу билан мамлакат ҳаётида рўй бераётган сиёсий тарқоқликка чек қўйишга уринади. Хусусан, у Темурий шаҳзодалардан Ёдгор Муҳаммаднинг фитнасини фош қилиб, мамлакатда рўй бериши аниқ бўлган қирғин баротнинг олдини олади.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг давлат хавфсизлиги ва халқ осойишталиги борасидаги хизматларини эътиборга олиб, уни 1472 йилда энг юқори амирлик лавозими — вазирликка тайинлайди. У мамлакатда ҳукмдор билан бамаслаҳат ислоҳотлар ўтказиб, хўжалик ишларини тартибга солиш, ривожлантириш, касб-ҳунар, ички ва ташқи савдо-сотиқ, ободончилик ишларини йўлга қўйиш, халқ оммасининг шикоятларига адолатли муносабатда бўлишга киришди. Айниқса, Алишер Навоийнинг савдо-сотиқ соҳасидаги тадбирларидан бири — савдо йўллари туташган жойларда божхоналар ташкил қилиш ва бозорлардаги савдо шохобчаларини кенгайтириш мақсадида ихтисослашган растaларда савдогарлар билан ҳунармандлар учун дўконлар очилиши ва уларга шароит яратиб берилиши бўлган.

У баҳонинг шаклланиши фақат маҳсулот етиштиришга сарфланган меҳнат билангина эмас, балки талаб ва таклифга ҳам боғлиқ эканлигини уқтиради. Шу сабабли бўлса керак, «Муншаот» асарида «Мухтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидан хабар топсалар» деб кўрсатади.

Демак, Мир Алишер ижтимоий-сиёсий фаолиятида нархларни назорат қилиш, белгилангандан ошириб сотган сотувчиларга нисбатан чора кўрилиши, инсоф ва адолат тарозуси билан нархларни тартибга солиш масаласи муҳим ўринни эгаллайди. Шу билан бирга у фақат ички бозорларни тартибга солиш масалалари билан шуғулланмасдан, балки ташқи бозорни ривожлантиришни ҳам кўзда тутади.

Мавлоно Навоий шариат томонидан белгиланган солиқларни тўлаб туришни ҳам қарз, ҳам фарз деб билди. Лекин уларнинг ҳаддан зиёд бўлиши фуқароларнинг норозилигига олиб келиши мумкин. Айниқса, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаслик, гадойларнинг кўпайиши, тарабхоналар — шаробхоналар, байтул латафлар — фоҳишахоналар ва қиморхоналар жиноятчиларнинг уяси бўлиб, жамият учун хавф туғдиришини кўрсатади ва аркони давлат ҳукмдорини қатъий огоҳлантиради.

Ривоятларнинг бирида ҳикоя қилинишича, авом халқ бебош, ўғрилар жоҳил бўлган пайт, улар ҳатто шариат қонунларидан ҳам қўрқмас эканлар. Алишер Навоий вазир бўлганларидан кейин бундан сўнг халқнинг жамики сайлу томошалари қабристонда ўтказилсин деган фармони олий чиқарибдилар. Зеро, бундан мақсад шуки, халойиқ қабристонга боргач, ўтган ота-она, қавму қариндошларининг қабрини кўради, уларнинг атрофларини супуради, тозалайди, обод қилади, гул ва кўчатлар экади. Ана шу юмушларни қиларкан охири бизларнинг ҳам ётар еримиз шу жой бўларканда, деб ўйлайди ва шу тариқа инсоф-диёнатга келади. Айни ўшандан буён халқ орасида «Ҳаддингдан ошсанг мозорга боргин», деган нақл қолган экан.

Шоир жамиятнинг ҳимоясиз, камбағал, яшаш ва ўқиш, ижод қилиш учун имкониятлари бўлмаган қатламлари учун ортиқча мулкини хайрэҳсон қилди. Мирхонднинг ёзишича, «фақиру мискинларга мурувват ва шафқат юзасидан манфаат ва дилдорлик кўрсатди...».

У Ҳирот шаҳрининг шимолий қисмида «Ихлосия» номи билан мадраса, «Халосия» деган хонақоҳ, Жомеъ масжиди, табиблар учун махсус «Доруш-шифо», қорилар учун «Дорул-Хуффоз» иморатларини қурдирди. Тарихчи Хондамирнинг «Хулосат ва ахбор» асарида келтирилишича, Хожа Абдулло Ансорий мозорига қурилган хонақоҳда «Хосу авом учун ҳамма вақт турли-туман таомлар муҳайё...» бўлган. Алишер Навоий томонидан бунёд этилган «Халосия» хонақоҳида ҳар куни Қуръон тиловат қилиниб, фақир ва заифларга таом берилади ва ҳар йили қарийб икки минг пўстин, чакмон, кўйлак, чолвор, тоқия ва кафш тарқатилади».

Мутафаккир Астрободдан Ҳиротга қайтгандан кейин унга «Муқарраби ҳазрат султоний» деган унвон берилди. Унинг давлат ишларидаги таъсири янада ортди, давлат ишларига тўла аралашиш ва подшоҳга панд-насиҳатлар бериш ҳуқуқига эга бўлди. Афсуски, шоир ҳаёти ва фаолиятидаги бу катта воқеа ҳақида биз тўла маълумотларга эга эмасмиз.

У давлатни бошқариш ва қонунчилик тизимига оид махсус асарлар ёзиб, Туронда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишини янги поғонага кўтарди. Масалан, унинг биргина «Тарихи мулуки Ажам» асари қадимги Эрон ва Турон ҳудудида давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишига бағишланган. Унда Ажамда Одам Атодан то ўрта асрларгача бўлган катта тарихий даврда бу ерларда 4337 йилу 10 ой ҳукмронлик қилган (тўрт табақага: Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар, Сосонийларга мансуб) 65 нафардан ортиқ шоҳлар ҳақида ҳикоя қилинади. Қаюмарс биринчи шоҳ эканлиги, Хушанг, Баҳром, Афросиёб, Жамшид каби шоҳларнинг, Рустамдек машҳур саркардаларнинг фаолиятларига юксак баҳо берилади.

Ушбу асар ўрта Осиё ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши каби мураккаб масалаларни аниқлашга ёрдам беради. Унинг фикрига кўра, Ўрта Осиё ҳудудида пайдо бўлган дастлабки давлатга Тур исмли шахс подшоҳлик қилиб, унинг номидан Турон давлати келиб чиқади. Бу давлат тахминан милоддан аввал тўрт мингинчи йилларда шаклланади. Энг муҳими, Алп Эр Тунга — Афросиёб раҳбарлик қилган давлат Туронда биринчи бор тўлиқ мустақилликни қўлга киритган йирик марказлашган туркий давлат ва унинг пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган.

Ушбу асарнинг тарихий қиммати яна шундаки, унда зардуштийлик дини пайдо бўлиши, Кова, Моний, Маздак каби халқ халоскорлари ҳақида, уларнинг диний, ижтимоий-сиёсий ғоялари тўғрисида муҳим маълумотлар берилади.

Ҳалимбой БОБОЕВ,
ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор,
Солижон ҲАСАНОВ,
ТДЮИ доценти.

(Давоми бор)

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Навоийда «Универсиада-2000» дастури бўйича шахмат ва стол тенниси бўйича иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Шахмат бўйича Навоий Давлат кончилик институти жамоаси, стол тенниси бўйича эса Навоий Давлат педагогика институти жамоаси ғолиб деб топилди. Энди улар май ойида Наманганда бўлиб ўтадиган республика мусобақасида иштирок этади.

«Универсиада-2000» дастурига киритилган спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар давом этмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқларида, оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан учрашувларда келажак бунёдкорлари бўлган ёшлар ҳақида алоҳида тўхталадилар. Бу бежиз эмас. Чунки, элнинг равнақи, юртнинг ободлиги, келажак тақдири бугунги ёшларнинг қай даражада билим олишлари, маънавий олами ва тарбиянинг етуклигига боғлиқ.

Шу мақсадда республикамиз бўйлаб турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги 8-касб-ҳунар мактабида бўлиб ўтган «Биз Президент фарзандларимиз» деб номланган кеча барчада катта таассурат қолдирди.

Касб-ҳунар мактаби жамоаси ва меҳмонлар олдида сўзга чиққан мактаб директори Бурҳон Шодиев ёшларни Ватанга, эл-юртга содиқ инсонлар бўлиб етишишга, Президент асарларини мукаммал ўрганишга даъват қилди. Ҳунар мактаблари ўқувчилари ҳам сўзга чиқиб, улар ўз Ватани учун фидойи, жонкуяр кишилар бўлиб етишишга, яхши хулқ ва аъло баҳолар билан бошқаларга ўрнак бўлишга сўз беришди. Сўнгра Президент ва Ватан ҳақидаги, тинчлик ва озодликни мадҳ этувчи шеърлар ўқишди. Кечада вилоят «Камолот» ёшлар жамғармаси қошида ташкил қилинган «Фазо» кичик томоша эстрада цирк гуруҳи «Биз Президент фарзандларимиз» деб номланган концерт дастури билан иштирок этди.

Айниқса, гуруҳнинг бадиий раҳбари «Ўзбекистон Ватаним маним» танловининг вилоят ғолиби Фарҳоджон Норқобиловнинг «Юртбошим омон бўлсин», «Камолот» каби қўшиқлари ҳамда турли ҳазил ўйинлар, диловар рақслардан иборат дастур йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ.

Оқолтин тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Навбаҳор» болалар боғчаси тарбиячилари кичкинтойларнинг илк ёшдан саводли ва зукко инсонлар бўлиб вояга етиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Тарбиячилар бошланғич таълим бўйича машғулотлар ўтишда ижодий изланишларга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Суратда: ***«Навбаҳор» болалар боғчаси тарбиячиси Альфия Ибрагимова машғулот чоғида.***

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

2000 йил - Соғлом авлод йили

НОГИРОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент вилояти ҳокимлигининг «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»-ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиш учун Оққўрғон туман ижтимоий таъминот бўлими ўзининг 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиққанди. Яқинда туман ижтимоий таъминот бўлими спорт қўмитаси билан ҳамкорликда ана шу дастур асосида ногиронлар ўртасида туман спартакиадасини ўтказди. Етмиш нафарга яқин спортчи-ногиронлар қатнашган мусобақага туманда фаолият кўрсатаётган «Бўстон» (раҳбари А. Саидумаров) ҳамда «Илҳом» (И. Тошматов) кичик корхоналари ва «Дўстлик» фирмаси (Ў .Турсунов) ҳомийлик қилди.

- Туманимизда 1182 нафар ногирон истиқомат қилади, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Шоҳида Мирзакаримова. - Соғлом авлод йилида илк бор ўтказилган мазкур тадбир улар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Спортнинг шахмат, шашка, қўл кураши, дарте ва енгил атлетика каби турлари бўйича ўтган қизғин баҳслар фикримизни исботлайди.

Дарҳақиқат, мусобақа қатнашчилари ғолиблик учун кескин кураш олиб бордилар. Қизғин спорт беллашувларида А. Аҳмерова, И. Дўсанов, Я. Назарова, А. Абдураҳмонов, Н. Алимовалар спартакиада ғолиби бўлдилар. Шунингдек, Р. Кенжаев, А. Кунохунов, И. Алимовaларга ҳам тенг келадиган рақиб топилмади. Вилоят ногиронлар спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ғолибларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Спартакиаданинг энг кекса қатнашчиси, 80 ёшли Турли ота Жумақуловни эса туман ижтимоий таъминот бўлими дам олиш уйига йўлланма билан тақдирлади.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон тумани.

МИЯ ИЧИДАГИ ПИЧОҚ

Донецк тиббиёт институтининг нейрожарроҳлик клиникасида бемор рентгенга туширилди. Қизнинг бош мияси ичида узунлиги 6 сантиметрдан ҳам зиёд пўлат парчаси бор экан.

Гап шундаки, бир безори арзимас сабаб билан бечора қизнинг бошига пичоқ урган бўлиб, шунда пичоқ синиғи мияда қолиб кетган экан.

Пичоқ парчаси миядаги нутқ ва ҳаракат марказларига яқин жойда турган бўлиб, бу ҳол операция қилишни ниҳоятда мушкуллаштириб қўйган эди. Шундай бўлса ҳам моҳир шифокорларнинг бой тажрибаси туфайли жарроҳлик иши муваффақиятли ўтди. Қиз кўп йиллик азобдан қутилди.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

«Стереотип» атамасини 1922 йилда америкалик олим У.Липман илмий муомалага киритган. Аммо этник стереотип тадқиқот объекти бўлгунича орадан кўп вақт ўтди. Дастлаб «антропостереотип» (инсон қиёфаси) муаммосини фақат тажриба асосида ўрганишга кўп эътибор берилди. Шундан кейингина этник стереотипларни, яъни бир халққа мансуб кишиларни ўрганишга киришилди.

Стереотиплар таркиб топишининг сабаби — гуруҳнинг қадриятларини ҳимоя қилиш ва сақлаш билан бирга жуда кўп ахборотларни «ўзлаштириш» учун кундалик фикрлашда «кучларни тежаш» тамойилидан фойдаланиш зарурлигидир. Бинобарин, этник стереотиплар кундалик ҳамда назарий онг даражасида шаклланиб ҳиссий, мулоҳазавий, иродавий хусусиятлар мажмуидан иборат бўлади. Жамиятда стереотипларга қанчалик кўп эътибор берилса ва унга астойдил амал қилинса, фикрлашув, миллий маданиятнинг юксалиши шунчалик равнақ топади.

Бундайларга шафқат йўқ

МАШИНА ЎҒРИЛАРИ

Разолат ин қурган юракда қабиҳлик, ёвузлик ниш уради. Бундай кишилар бамисоли чипқондек гап. Таг-томири билан қуритилмагунча гоҳ у, гоҳ бу жойда бўй кўрсатаверади. Тўққиз кишидан иборат шундай гуруҳ қатор қабиҳ ишларга қўл урди. Калаванинг бир учи Тожикистонга бориб тақалар, жиноятчиларнинг асл башараларини очиш ҳуқуқтартибот идоралари ходимларидан катта касб маҳоратини талаб этарди. Уйқусиз тунлар, беҳаловат кунлар бесамар кетмади... Қабоҳат илдизига болта урилди.

Воқеа қуйидагича бўлганди: Тожикистон Республикасининг Хўжанд туманида яшовчи Муталиб Валиев Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида яшовчи Оқбўта Норбўтаев билан тасодифан учрашиб, танишиб қолади. Кейинроқ сафларига Тожикистон фуқаролари Рустам Назиржонов, Салим Дадабоев ва бошқалар тортилади. М.Валиев Янгиер шаҳридаги Карвонсарой маҳалласидан бир уйни ижарага олиб яшай бошлайди. Қабиҳ режалар ана шу хилватгоҳда тузилади. Улар жиноят изларини йўқотишнинг антиқа йўлларини қидиришарди. Кўнгиллари кўп нарсани тусар, аввало уларга узоқни яқин қилувчи бир ишончли уловни қўлга киритиш зарур эди. Бундай имкониятга Тожикистонда эришиш мақсадини дилга тугиб йўлга отланадилар. Рустам Назиржонов эса Зафаробод туманида ўз уйида қолиб ҳамтовоқларини кутадиган бўлди. Хўжанд шаҳрини кезиб охири марказий универмаг ёнида киракашлар гавжум бекатда тўхташди. Пулдор мижоз кутаётган киракашлардан Т.Худойбердиев мўмайгина пул эвазига Валиев ва Норбўтаевни Зафарободга олиб жўнайди. Йўл-йўлакай Хўжанд шаҳрининг 34-мавзесида турган жазманлари Шоматова ва Ревтовани ҳам машинага ўтказиб олишади. Улар Зафарободга Р.Назиржонов хонадонига келиб Рустамни ҳам машинага ўтказишади. Пул ўлсин. Ўз боши узра қора булутлар тўпланаётганини ҳис этмаган ҳайдовчи йўловчилар измидан чиқолмасдан Меҳнатобод тумани сари йўл олади. Ҳамма иш режадагидек борарди. Янгиер шаҳридан чиқишгач, Назиржонов ва Норбўтаев ўрталаридан ола мушук ўтиб қолади. Даҳанаки жанг ёқалашишга айланади. Ҳайдовчи ҳам хуноб. Машина тун зулматини кесиб, кимсасиз далалар сари тинмай илгарилаб боради. Лиқ тўла машинада қий-чув, тўполон авжида. Шу асанода Елена Ревтова қўйнидан пичоқ олиб Ҳамробоевга санчишга чоғланади. Бироқ Рустам Назиржонов унинг қўлидан тутиб пичоқни олади ва ойнадан ирғитади. Машина кескин тўхтайди. Ҳамма тушади. Ўз бошида ажал шамшири ўйнаётганини аниқ ҳис этган Ҳамробоев фурсатни бой бермай чапдастлик билан машинага ўтириб жуфтакни ростлаб қолади. Р.Назиржонов қабиҳ ишга қўл уришдан ўзини тийди, дейиш хато бўларди. Гарчанд Рустам илк операцияни барбод қилиб, бир одам ҳаётини сақлаб қолган бўлсада, кейинчалик бошқа жиноий ишларнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолади. Энди улар янги жиноий иш режаси устида бош қотиришади. Хўжанд шаҳрида худди аввалгиларга ўхшаган сценарий асосида иш бошланади.

Қабиҳ ниятли жиноятчилар «Пицца» ошхонасида ичкиликбозлик қилишиб, ҳакалак отган нафсларини қондиришади. Сўнгра навбатдаги ўлжа сари отланишади. Уларга 0 77-67 ЛБ давлат белгили ВАЗ - 2106 Жигули автомашинаси маъқул тушади. Ҳайдовчи Икром Саидовдан Ғозиён қишлоғи орқали Чкалов шаҳрига элтиб қўйишни илтимос қилишади. Яна ўша хилват йўл. Бечора Саидов елкасига жазиллаб ботган ханжар зарбасидан сапчиб тушади. Назиржонов қонга беланган пичоқни шериги қўлидан тортиб олиб жон талвасасидаги ҳайдовчи қорнига икки бор санчади. Аммо Саидов осонликча жон таслим қилмас, хириллаб нафас оларди. Ғазабланган Норбўтаев билан Валиев уни кабинадан ерга қулатиб, тепкилашади. Мурдани хилватга ташлаб Янгиер сари йўлга тушишади. Машинани Норбўтаев уйига яшириб, кейинчалик уни бўлакларга бўлиб 461825 сўмга сотиб юборади. Ишнинг хамирдан қил суғургандек осон битганидан хамтовоқлар мамнун. Пулни чўнтакка уриб ялло қилиб яшаш уларга хуш ёқиб қолади.

Кўза кунда эмас кунида синади дейишади. 24 июлдаги «ов» уларнинг сўнгги хунрезлиги бўлиб қолди. Муталиб Валиев, Салим Дадабоев ва Фарҳод Эргашевлар Хўжандда навбатдаги овга чиқишади. Бу гал улар домига Исмонали Ҳайдаров ВАЗ -2106 «Жигули» автомашинаси билан илинади. Каттагина пул эвазига қотиллар автомобил эгаси меҳмонига айланишади. Яна чекка қишлоқнинг хилват гўшасидаги йўл. Машинани тўхтатишгач, С.Дадабоев чилвир арқон билан ҳайдовчини бўға бошлайди. Ф.Эргашев унинг қорнига пичоқ санчади. Валиев эса ерга қулатади. Жон таслим қилган ҳайдовчининг чўнтагини ковлаб мўмай маблағни чўнтакка уришади ва Янгиер сари равона бўладилар. Йўлда машиналари юрмай қолади. Шунда улар ёнига «Тико» автомашинаси келиб тўхтайди. Ундан милиция ходими кийимидаги киши тушиб кела бошлаганини кўрган қотиллар ўзларини тўрт томонга уриб тун зулматида кўздан яширинишади. Эртасига жиноятчилар бошлиғи Муталиб Валиев Янгиер шаҳрида қўлга олинади. Гуруҳ аъзолари бирин-кетин ушланадилар.

Мазкур шахслар жиноий иши юзасидан тергов ҳаракатларини вилоят прокуратураси прокурор-криминалисти, адлия маслаҳатчиси Жумабой Мусурмонқулов олиб борди. Айбдорларни далиллар асосида фош этиш осон бўлмади. Чунки жиноят Тожикистон ҳудудида содир этилганлиги суриштирув ишларини анча мураккаблаштирди. Аммо адолат ўрнатиш, жиноятчиларнинг қилмишларига яраша жазога тортилишини таъминлашга муваффақ бўлинди. Тергов жараёнида О.Норбўтаев илгари судланган бўлсада ўзига тегишли хулоса чиқармаганлиги аниқланди. Гувоҳлар кўрсатмаларига кўра унинг яна бир жинояти фош этилди. Гувоҳ Оник Согоманян кўрсатмасига кўра, 1998 йил июн ойининг бошларида Норбўтаев унга учраб ГАЗ-24 автомашинаси эҳтиёт қисмларини сотишини айтди. Согомонян ва бошқалар ундан оқ рангли «Волга»га тегишли эҳтиёт қисмлар харид қилишган. Жиноятчиларнинг аксарияти Тожикистон фуқаролари бўлгани боис улар тегишли ҳуқуқтартибот идоралари томонидан жазога тортиладилар. Жиноятчи О.Норбўтаевга нисбатан эса Сирдарё вилоят судининг адолатли ҳукми ўқилди. У умрининг 20 йилини қилган ишларига афсус чекиб, панжара ортида ўтказади. Бировларнинг оҳ-зори, аламли кўз ёшларига ва дунёдан кўз юмишлари эвазига бойлик орттиришга ҳавас қилувчилар қисмати ҳамиша шундай бўлган.

Бу мудҳиш фожеа барчага сабоқ бўлади, фуқароларни яна бир карра ҳушёрликка даъват этади, деб ўйлаймиз.

Саминжон СУЛТОНОВ,
Нурилла ШАМСИЕВ.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.50

Буюртма Г— 114. 1 2 3 4 5 6